



“Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида ўтказилаётган Республика “Китоб байрами”нинг

ПРЕСС-РЕЛИЗИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кўмагида бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида **жорий йилнинг 28-30 май кунлари “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида анъанавий Республика “Китоб байрами” маънавий-маърифий, ижтимоий тадбири ўтказилади.**

“Китоб байрами”нинг бош тадбири пойтахтимизнинг **Ғафур Ғулوم номидаги маданият ва истироҳат боғида 28 май куни соат 10:00 да** бошланади.

Мазкур “Китоб байрами”ни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад:

– ёшлар орасида китобхонлик маданиятини ошириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни янада яхшилаш, болалар адабиётини ривожлантиришга мамлакатимиз раҳбарияти томонидан берилаётган эътиборни кенг жамоатчиликка етказиш;

– Ўзбекистонни бой миллий адабиёт орқали дунёга тараннум этиш борасидаги белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда китобнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш;

– миллий-маънавий кадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашга давлат даражасида берилаётган эътибор ҳамда халқимизнинг яхши фазилатларидан бири унинг китобга бўлган эҳтироми эканини, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида оилавий китоб ўқиш анъаналарини тарғиб қилиш, уларни адабиётга, Она Ватанга юксак муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиш;

– республика фуқароларининг, шу жумладан, ёш авлоднинг билим олиш, маънавий ва маърифий савиясини юксалтириш, интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, уларни миллий мустақиллик ғоялари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда китобнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш;

– халқаро китоб бозорида республикаимиз нашриётлари, матбаа корхоналарининг ўз маҳсулотлари билан иштирокини, жаҳон ҳамжамиятида миллий адабиёт ва китоб маҳсулотларининг мавқеи ва салмоғи ошиб боришини қўллаб-қувватлаш;

– китоб маҳсулотларининг мавзулар кўлами ва хилма-хиллигини, юқори савиядаги ноширлик ва матбаа ижросини таъминлашга кўмаклашиш каби эзгу ғоялардан иборатдир.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2015 йил 1 май ҳолатига кўра, 110 та нашриёт, 1650 та матбаа корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилган. Республика нашриётлари томонидан ҳар йили 3,0 минг номдан зиёд, умумий адади 45,0 млн. нусхадан ортиқ турли китоб маҳсулотлари нашр этилмоқда. Республика “Китоб байрами”да 2 миллионга яқин аҳоли иштирок этиши мўлжалланмоқда.

Тошкентда ўтаётган тадбирда республикада фаолият кўрсатаётган 100 га яқин нашриёт, матбаа корхоналари ва китоб савдоси ташкилотлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этади.

Тадбир доирасида нашриётларнинг янги китоб маҳсулотлари, жумладан, “Кексаларни эъзозлаш йили”га бағишланган, нуфузли халқаро китоб кўرғазмаларида совринли ўрин эгаллаган китоблари тақдимоти;

– китоб муаллифлари, адиб ва шоирлар, китоб графикаси бўйича рассомлар, муҳаррирлар билан ижодий учрашув ва суҳбатлар;

– “Энг яхши китобхон”, “Китобхон оила” каби мавзуларга оид совринли интеллектуал ўйин ва викториналар;

- “Китоб ўқишни ёқтирасизми?” мавзуида ижтимоий сўровнома;
- “Болаларда китоб ўқишга меҳр уйғотишда ота-оналарга маслаҳатлар” номли флайерлар тарқатилиши;
- Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ва ёш ижодкорларнинг ижодий учрашувлари ва мушоиралар;
- Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси томонидан жалб этилган санъаткорлар, турли танловлар ғолиблари бўлган ёш иқтидор соҳибларининг чиқишлари, мумтоз наволар, куй ва кўшиқлар ижроси;
- таълим муассасалари (мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари) адабиёт тўғрақлари аъзолари ижросида бадиий классик асарлардан сахна кўринишлари намойиши;
- Республика Байналмилал маданият маркази қошидаги Миллий маданий марказлар иштирокчиларининг кичик концерт дастури каби бир қатор тадбирлар ўтказилиши белгиланган.

“Китоб байрами”га келган пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари Агентлик тизимидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари ҳамда соҳада фаолият юритаётган етакчи нашриётлар томонидан ташкил этилган кўргазма стендларни томошо қиладилар. Шу билан бирга, боғнинг турли жойларига ўрнатилган телемониторларда нашриётлар фаолиятини акс эттирувчи, “Намунавий китоб дўкони” кўрик-танловига ҳамда китобхонлик маданиятини тарғиб этишга бағишланган виедолавҳалар намойиш этиб турилади.

Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг энг кўринарли жойида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти китобларининг махсус стенди ўрнатилади. Унда байрам иштирокчилари давлатимиз раҳбарининг сўнгги йилларда нашр этилган асарлари билан бевосита танишиш ва ноширлар, китоб дизайнерлари билан суҳбатларда бўлиш имкониятига эга бўладилар.

Шу билан бирга, 29 май куни китобларнинг мазмун-мундарижасини бойитиш, матбаа сифатини яхшилаш юзасидан муаллифлар, таниқли олим, ёзувчи ва шоирлар, китоб графикаси бўйича рассомлар, мунаққидлар, соҳанинг бошқа мутахассислари иштирокида **“Китоб – миллатнинг бебаҳо маънавий ва маданий мероси” мавзуидаги илмий-амалий конференция** ўтказилади. Ушбу илмий-амалий конференция натижалари асосида ноширлик, матбаачилик санъати, миллий адабиёт, бадиий ижод истиқболига хизмат қилувчи ҳамда соҳага илғор хорижий давлатлар тажрибаларини янада кенгроқ тадбиқ этиш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиши режалаштирилган.

Тадбирлар давомида босма маҳсулотларга бўлган аҳоли эҳтиёжи, китоб бозори конъюнктураси ва маркетинги масалалари борасидаги мавжуд муаммолар ўрганилиб, таҳлил этилади, соҳанинг тараққиёт йўналишлари ва тенденциялари белгиланади.

Байрамнинг иккинчи куни “Бунёдкор” ёшлар телекомплекси орқали “Китоб байрами”нинг Тошкент шаҳри ва ҳудудларда ўтказилиши борасида тадбир иштирокчиларнинг тўғридан-тўғри мулоқоти бўлиб ўтади.

Байрамнинг учинчи куни “Йилнинг энг яхши китоби” кўрик-танлови эълон қилинади.

Байрам тадбирида фаол иштирок этган нашриётлар дипломлар билан тақдирланади.

Ташкилий қўмита.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги.

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.

Тел.: 244-12-61, 244-32-33.